



“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ

“ХОРАЗМ ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР
ТАРМОҚЛАРИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН
ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАЪМИНОТИ
ШАРТНОМАСИ

№ 530018

Ишюртми нурчон

Ишюртмачуя Б.Б.Иш

(корхона, ташкилот, муассаса номи)

Юридик шахслар учун электр таъминоти
ШАРТНОМАСИ

20 14 йил 26 Децбар 2008 -сон Эшторчи Т
(шартнома тузилган манзил)

“Хоразм худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти
Эшторчи туман (шахар) электр таъминоти корхонасида “Ишончнома”
асосида фаолият юритувчи раҳбари О.Т. Шомиев (кейинги
(электр таъминоти корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.)
ўринларда

“Корхона” деб аталади) бир томондан ҳамда Асиром асосида
фаолият юритувчи Эшторчи туман суғарилма бўлими
(“Истеъмолчи”нинг номи)

раҳбари Х. Осмонмуродов (кейинги ўринларда
(“Истеъмолчи” раҳбарининг Ф.И.Ш.)

5300018

“Истеъмолчи” деб аталади), ҳисоб рақами -

иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида тузилди:

I. Шартнома предмети

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - Шартнома деб аталади)
мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини (кейинги ўринларда -
энергия деб аталади) уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол
қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. Етказиб берилган энергияни ҳисобга олиш

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 1888 кВт.с. реактив _____ кВт.с

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кундаги умумий
нархи 1199600 сўмини, тариф(лар) буйича 450

тариф тури: табдилгалантирликан, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдан ПК-3379 тисе рубрикатда кўрсатилган мақсуот
ташкил этади.

ташкил этади.

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми
ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақикий микдори
ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари
асосида аниқланади.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.12.2008 йилдаги
277-сонли Қарорининг 1-илоvasида белгиланган руйхатга асосан табиий монополилар
субъектлари томонидан Истеъмолчиларга мажбурий хизмат кўрсатилиши бўлган йиллик
минимал Энергия микдори 1888 кВт.с

III. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

3.1. Энергия учун хисоб-китоблар табакалаштирилган, бир ставкали ёки 2017 йил 8 ноябрдаги ПК-3379 нинг руйхатида кўрсатилган махсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан ортқ бўлган Истеъмолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштирилмаган уюшмаларнинг насос станциялари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун хисоб-китобларни сутка вақтларининг табакалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учн табакалаштирилган тариф бўйича хисоб-китоблар: ярим тигиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – белгиланган тариф бўйича,

тигиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта микдор соат 6⁰⁰ дан 9⁰⁰ гача, кечки энг катта микдор соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаовчи коэффициентни қўллаш орқали;

тунги пайт – сутканинг қоронги вақтида (энг кам юкламали соатларида: 22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаовчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга туғри келади.

Табакалаштирилган тариф қўлланилмайдиган Истеъмолчига нисбатан энергия учун хисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланган ташкилотлар руйхатига киритилган махсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи Истеъмолчилар учун тўловлар Ҳукумат қарори билан белгиланмайдиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Ушбу Шартнома бўйича Истеъмолчи ва Корхона орасидаги хисоб-китоб даври бир ой хисобланади.

3.4. Истеъмолчи хисоб-китоб даври тугагандан сўнг Электр таъминоти корхонаси вақили билан биргалликда хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинг 3-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича хисобот тузади.

Истеъмолчи Корхонага энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги хисоботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг “25” санасигача тақдим этади.

Бунда, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган тўловларни табакалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истеъмолчилар бўйича энергия сарфи бўйича хисоботда ишлагилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилган энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Тарифлар ўзгарганда Истеъмолчи етказиб берилаётган энергия учун янги тарифлар киритилган кундан бошлаб янги тарифлар бўйича ҳақ тўлайди.

3.6. Истеъмолчига энергияни етказиб бериш келуси хисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий миқдори қиймати учун олдиндан юз фоизлик (100%) ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, хисоб-китобни 50 фоиз

олдиндан хак тўлаш асосида амалга ошириш хошишни билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб ҳисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдирги тартибда Электр таъминоти корхонасига мурожаат қилганлари тақдирда 50 фоиз олдиндан хак тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан хак тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан хак тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчига нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар кўрилади.

3.7. Истеъмолчи уланган қувватидан кагый назар, крипто-актив ва майнинг соҳасида фаолиятни амалга оширганда (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йиғимлари форматига мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш плагформасини таъминлаш ва янги блоklar яратиш бўйича фаолият) фойдаланган электр энергияси учун тўловларни тегишли тариф гуруҳига асосан белгиланган тарифга нисбатан 3 баробар ўсувчи коэффициентга мувофиқ тўлайди. *(Ўз.Р. Вазирлар Маҳкамасининг 09.12.2019 йилдаги 979-сонли қарорига асосан мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой утган кунга қаради)*

3.8. Корхона энергия сарфи тўғрисидаги ҳисобот асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ҳамда беш кун ичида тўлов амалга оширилиши лозим бўлган ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варагини ёзиб беради.

Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

3.9. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага 4-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш хажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 5-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш хажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр хажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳақини ёзиш учун қўшиб борилади.

3.10. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолининг шартномада қайд этилган микдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов ҳисоб-варагини ёзади ва Истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақамида бу ҳақида тегишли белги қўйилади.

Электр таъминоти корхонаси вакили ҳисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибда ёзиб олгандан кейин, Корхона амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китобни белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Истеъмолчининг энергия ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифга устамалар, шунингдек ҳисобга олинмаган энергияни, (ноқонуний фойдаланилган электр энергияси) қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан хак тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчи томонидан Шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тўлиқ истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ойдан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдориди, электр энергияси махсус тартибда етказиб бериладиган қорхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдориди пена ҳисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

3.12. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ ортиқ истеъмол қилинган энергияси жами ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдориди тўлов ундирилади.

3.13. Истеъмолчи ва Қорхона ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузишлари шарт.

3.14. Истеъмолчини қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:
шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

электр таъминоти қорхонаси талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вақилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга қўйилмаганда;

ҳисобга олиш приборларини қасддан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашиб хатти-ҳаракатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан уғирлик тарзда фойдаланилгани, электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-торож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, Истеъмолчини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.16. Истеъмолчи томонидан қоидабузарлик ҳолати баргараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдориди тўлов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭНХАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

IV. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз электр қурилмаларини Қорхона электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлган электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталishi ёки тўхтатиб қўйilishi сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Қорхонага истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилishi тўғрисида белгиланган тартибда тақлифлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги ҳажмининг ўзгартириш бўйича тақлиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган маблағни қайтарилишини талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти Шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келатган низоларни ҳал этиш учун судга ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун Ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларни зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қондаларига риоя қилинишини таъминлаш, Корхонага электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

Электр таъминоти корхонаси ва “Ўзэнергоспекцияси” кўрсатмаларини Ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қондалари талабларини бажариш;

Корхона вақилининг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда руҳсаат бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланғичидан қамда бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун Корхонага буюртманома бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувватга уланган Истеъмолчи, Корхона талабига асосан аниқлаш ва хабар беришга мажбур:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори, энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали давларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи,

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3. Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчидан шартномада белгиланган Ўз мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажарилиши талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида, Истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўйиш;

Қарздорлик юзага келганида ва ЭНХАТга уланган ёки энергияга олдидан ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдидан тўланган ҳақ тутаганда электр тармоқларидан узиш.

Қорхона қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Истеъмолчини электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган ҳолат учун Қорхона жавобгар бўлмайди.

4.4. Қорхона қўйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача Шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш; усуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр ҳўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр ҳўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги қутилаётган узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдидан хабар бериш;

электр энергияси тўлик етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги Истеъмолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, бартараф этиш ва бағафил жавоб юбориш;

Истеъмолчига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ, ун кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий микдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – истеъмолчига бу ҳақда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш;

Истеъмолчида ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишни, шунингдек пломбалашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Қорхона қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Қорхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, "Истеъмолчи" эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Қорхона Истеъмолчи олдидан моддий жавобгар бўлмайди агар:

Истеъмолчи электр энергияси истеъмолчининг белгиланган режимида ривож қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватнинг шартномавий микдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, худудий электр тармоқлари қорхонаси томонидан белгиланган электр энергияси

чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлиқ ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун;

ягона энергетика тизимида қувваг танқислиги оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган аварияларни олдини олиш юзасидан тармоқларни автоматик тарзда (УОН, АЧР) ва бошқа ўчишлар ҳисобига солиб бўлиб энергияни етказиб беришдаги танаффуслар юзага келганда;

энергия беришдаги узлишлар қувваг ва энергия етишмаслиги сабабли энергия билан таъминловчи ташкилот томонидан қонун ҳужжатлари асосида истеъмолни тартибга солиш натижасида юз берган бўлса;

оммавий ахборот воситалари (газета, радио, телевидения, интернет веб сайт ва ижтимоий тармоқлар) орқали электр энергияси етказиб беришдаги узлишлар тўғрисида хабар ва эълонлар берилганда, истеъмолчи олдидан маълум қилиб жавобгар бўлмайди.

5.3. Корхона Истеъмолчини электр энергиясидан узилганда ёки енгиб бўлмайдиган куч хўблатлари ҳамда фавақулотда авария ҳолатлари юзага келганда (форс-мажор) Истеъмолчи олдидан жавобгар бўлмайди.

5.4. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан nizолар ўзаро келишув йўли билан ҳал қилинади. Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, nizолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра иқтисодий судларда ёки “ХОРАЗМ МЕДИАЦИЯ ВА АРБИТРАЖ МАРКАЗИ” жамияти ҳузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи Ҳакамлик судида ҳал қилинади. Низо Ҳакамлик судида ҳал қилинганда суднинг регламенти ва Низомига кўра ҳал қилинади. Ҳакамлик муҳокамасининг жойи: Ҳакамлик суди томонидан белгиланади. Ҳакамлик муҳокамаси 1 нафар Ҳакамлик судьяси томонидан ҳал этилади. Ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ чиқимлар Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни ва илоовасида белгиланган ставкалардан ошмаслиги лозим.

5.5 Тарафлар ўртасида ушбу шартномада белгиланмаган ҳолатлар юзасидан nizо келиб чиққан тақдирда, улар мазкур шартноманинг 5.4-бандида кўрсатилган тартибда “ХОРАЗМ МЕДИАЦИЯ ВА АРБИТРАЖ МАРКАЗИ” жамияти ҳузуридаги доимий фаолият кўрсатувчи Ҳакамлик судида ҳал қилинади.

VI. Яқуний қондалар

6.1. Шартнома 20 16 йил 31 декабрь гача бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгаришлар жорий ойда қўлланилмайди, ва кейинги ойдан кучга киради.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шарт билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

VII. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

Истеъмолчи:

Юридик манзили А.Т. Хоразмийи исмидаги муҳаммадий университет
 Почта манзили А.Т. Хоразмийи исмидаги муҳаммадий университет
 Ҳисоб рақами 1340100030000000010
 Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 20111919
 Истеъмолчининг юридик манзили бўйича Кадастр рақами 1:07:01:01:01:03:0683
 Маҳалла номи Шоғун

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялангирлиладиган Истеъмолчилар учун

Бюджет фонднинг ҳисоб рақами 100011860333337042402170009
 Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 305081141
 Бюджет фонднинг ҳисоб рақами 100011860333337042402170009
 Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 305081141
Телефонлар: 97-546-31-40 **Факс:** 62-38-54-367

(*Истеъмолчи" телефон рақамлари, шу ҳудуддан унинг рақобини унинг телефони бўлганлиги)

Статистик кодлар:

ОКЭД 01673
 СОГУ 173333351
 СОАТО 200
 КОПФ 170
 ОКПО 47343857

Корхона:


Почта манзили Мусулмончи исмида
 Ҳисоб рақами 1163600600313383475
 Банк коди (МФО) 00853 (ИНН) 200408434
Телефонлар: 38-56-405 **Факс:** 38-56-405

Статистик кодлар:

СОГУ 1733333
 СОАТО

Корхона вакили

А. Ш. 6
 (Имзо, Ф.И.Ш., сана)
 МУ



Юристик хулосаси:

Истеъмолчи



(ИМЗО)

(Ф.И.Ш)

Етказиб берилмаган энергия хажми

1. Тариф гуруҳи II
2. Фаолият тури _____
3. "Истеъмолчи" электр қурилмаларининг уланган қуввати: 120 кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича руҳсат берилган қувват 20 кВт
5. Электр таъминоти ишончилиги бўйича тоъфаси (лойиха бўйича) III
6. Ҳисоб-киتاب тури: _____

тариф тури: таъкаллаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдан ПК-3379 нинг руйхатида кўрсатилган максималт ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар (керамилги ёзилсин)

	Энергия хажми кВт.с	Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича			
		I	II	III	IV
Йил, жами	1888		1888		
Январ	1111		1111		
Феврал	1111		1111		
Март	666		666		
Апрел					
Май					
Июн					
Йул					
Август					
Сентябр					
Октябр					
Ноябр					
Декабр					

Ташкилот кунига ишлайди 24 соат, ойга 30-31 кун
 Умумий юкга нисбатан сменалар бўйича юкланиш % I _____ II _____ III _____



Мазкур шартномани расмийлаштирган электр таъминоти корхонасининг юбъсул ходими _____

Ф.И.О _____

Энергияни ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

"Истеъмолчи"нинг (суб-Истеъмолчи)нинг) ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойлар, тури ва кучланиш тоифаси (кВ) кўрсатилган ҳолда	Ҳисобга олиш прибори тури (актив), (номинал ток)	Ҳисобга олиш прибори рақами	Ҳисобга олиш прибори клемма қопқоғидаги пломбанинг рақами	Ҳисобга олиш трансформатор -ларининг трансформация коэффициентини	Ҳисобга олиш		Ҳисобга олиш приборининг Шартнома тузилган кундаги кўрсаткичда	Тариф тури сум/ 1 кВт.с.
					Ток	Кучланиш		
Истеъмолчининг Т.Тулганов қўшничи 10 кВт								450

Имзолар:

Истеъмолчи:

X. Саидов

М.Ў



Корхона:

H.Тулганов
М.Ў



Юридик шахслар учун электр таъминотининг шартномасига 3 - илова

Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича ХИСОБОТ

2021 йил Децбрь оyi бўйича

Кўрсаткичлар қайд этилган сана « 21 » 2021 йил.

Уланган жой номи, ҳисобга олиш приборининг завод рақами, ҳисобга олиш тури (актив, реактив)	Ҳисоб-китоб коэффициенти				Ҳисобга олиш прибори кўрсаткичлари		Ҳисобга олиш прибори курсаткичларининг фарқи	Сарф кВт.с., кВАр.с.	Табақалаштирилган тариф бўйича сарф кВт.с.									
	ток трансформаторининг (ТТ)	кучла-ниш трансформаторининг (КТ)	умумий	бошланғич	охири	Кун			Кечки тизим вақт	Тун	Эрта-лабни тизим вақт	соат	соат	соат	соат			
																соат	соат	соат
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13						
Жами																		

Изоҳ: гр 7= гр 6- гр 5, табақалаштирилган ҳисоб учун назорат рақами гр 7= гр 9+гр10+гр 11+гр12+гр13 гр 8 = гр 7*гр 4



Истеъмолчи раҳбари

Ф.И.Ш.

Корхона вақтли

Ф.И.Ш.



Бош энергетик

Ф. И. Ш.

Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси
ДАҲЛАТНОМАСИ

1. "Истеъмолчи"нинг балансида қуйидаги электр қурилмалар мавжуд:

- а) ҳаво линиялари _____
- б) кабель линиялари _____
- в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари _____

2. Истеъмолчи ва Корхона ўртасидаги электр тармоқларнинг баланс бўйича мансублик чегараси _____

3. Улардан қуйидагиларга:

- а) _____
- б) _____

Истеъмолчи билан тузилган шартнома асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан кўрсатилади.

4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси қуйидагича белгиланди: _____



Истеъмолчининг _____ (ИМЗО)
М.Ў.

Вакиллар:

_____ (ИМЗО)
Корхона
М.Ў.



**Энергияни йўқолишларини аниқлаш бўйича
ДА.Ю.ЛАТНОМА**

Энергия ҳисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегараси ҳисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган қисми ҳисоблаш йўли билан аниқланади ва қуйидагиларга ҳисобланади:

а) Қуввати _____ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари _____ кВт.соат ёки _____ %, реактив энергия йўқолишлари _____ кВт.соат ёки _____ % ташкил этади;

б) Истеъмолчининг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергияни йўқотиш:

Узунлиги _____ м;
Кесим юзаси _____ мм²;
Русуми _____;
Қучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил
этади;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги _____ м;
Кесим юзаси _____ мм²;
Русуми _____;
Қучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил
этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юқорида кўрсатилган энергия йўқолишлари Истеъмолчининг ҳар ҳисоб-китоб даври учун, ҳисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истеъмолдан ва I-иловада кўрсатилган ишлаш тартибидан аниқланади.

Қорхонанинг электр тармоқлари ва уйлارнинг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк ҳисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларига бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқотишлари ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки коммунал-эксплуатация ташкилотлари истеъмолига қаратилади

Имзолар:



Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими

1. Компенсация қурилмаларининг белгилаган қуввати

Т/р №	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қуввати	Улашиш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечқурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юқори, жумладан:				
1.1.	Автоматик бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
1.2.	Қўлда бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВар (СДнинг ўрнатилган қувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (16 +36.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори.				

ИЗОХ: авторежимда ишлайдиган конденсатор қурилмалари билан жисқазилган таъминотлар улашиш вақтларини тўлдирини шарт эмас.

2. Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори (кВАр.соат)	Шу жумладан тариф гуруҳлари бўйича
Январь		
Февраль		
Март		
Апрель		
Май		
Июнь		
Июль		
Август		
Сентябрь		
Октябрь		
Ноябрь		
Декабрь		

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иқтисодий қиймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланадиган қувват коэффициентининг оптимал миқдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иқтисодий қийматининг амалдаги миқдори истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Тарифга устама қўшилган қиймаг солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда фаол энергиянинг амалдаги тарифи бўйича:

5% - реактив энергиядан иқтисодий қиймат доirasида фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

10 % - реактив энергиядан иқтисодий қиймаг миқдоридан ортиқ фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарама санкцияси ҳисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги ҳисобига қувват коэффициентининг норматив қиймати Истеъмолчи томондан қўллаб-қувватланмаслиги аниқланганда, худудий электр тармоқлари қорхонаси томондан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши қийматининг техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, қувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун Истеъмолчилардан қўшимча маблағлар ундирилади.

Бунда ҳисоб-китоблар ва қўшимча маблағни ундириш ҳисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганига нисбатан Истеъмолчи томондан қувват коэффициентининг амалдаги қийматини пасайтиришга йўл қўйилганлиги тўғрисида «Ўзэнергоинспекцияси»нинг тасдиқлови бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалар истеъмолчи ягона электр тизими тармоғида электр тармоғининг катта юкلامали соатларида реактив энергия ҳосил қилганда ва электр тармоғининг кичик юкلامали соатларида реактив энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъмол қилинганда, агар Истеъмолчининг бундай режимда ишлаш зарурати Шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чегирма қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% миқдориди белгиланади.

Истеъмолчи:



(Имзо)



Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича
ДАЛОЛАТНОМА

Истеъмолчининг _____ иштирокида тузилди.
Ягона электр энергетикаси тизимида узоқ муддатли ёки қисқа муддатли қувват танқислиги юзага келганда Истеъмолчи қуйидагиларни бажариши керак:

1. Усуна юкласини технологик брон даражасигача пасайтириш:

Т/р №	Технологик бронни тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишла қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнгин, захарланishi ва бошқа бахтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария броннига тааллуқли цехлар ва агрегатлар ҳам қиради (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

- I босқич _____ кВт
- II босқич _____ кВт
- III босқич _____ кВт
- IV босқич _____ кВт

2. _____ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария бронни даражасигача узиб қуйилади.

Т/р №	Авария броннига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишла қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

* а) Ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхташига, иситиш тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда қуриқлаш ёриткичлари юкласини остида қолдирилади.

б) Ёнгинга қарши заҳира насослар ва бошқа ёнгинга қарши агрегатлар авария броннига қирадан (либу агрегатлар, заруратга қараб, олдиндан "Корхона" билан келишилган ҳолат бўлишига киририлиши мумкин).

Имзолар:

